

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ

¹Ахмедова Насиба-ЖДПУ, Умумий психология кафедраси катта ўқитувчиси

²Жабборова Барно Мамадиёр кизи- ЖДПУ, Педагогика ва психология
йўналиши 2- босқич магистри

Аннотация: Ушбу мақолада педагогика фанларини ўқитишда миллий кадриятларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамиятига бағишланган илмий назарий адабиётлар таҳлил қилинган. Бугунги таълим тизимига миллий кадриятларнинг энг сара жиҳатларини жорий этиш орқали тарбия ишларида ҳам трансформация жараёнларини мақбул ва тадрижий тарзда амалга ошириш зарурати ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: Педагогика тарихи, миллий кадрият, диний кадрият, педагогик жиҳат, педагогик шароит, ўзликни англаш, маънавий маърифий илмий кадриятлар.

Таълим ва тарбия дастурларига миллий кадриятлар омилларини киритиш ишлари босқичма босқич ва шароитга мос ҳолда пухта амалга оширилди. Эндиликдаи эса, миллий кадриятларнинг замонавий таълим мазмунига сингдирилиши ва интеграцион жараённинг натижаларини илмий ўрганиш илмий доираларнинг асосий мавзуларидан бирига айланмоқда. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Миллий кадриятларнинг тарихий-педагогик жиҳатлари ва унинг турли қирраларини ўрганиш кўп тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ва илмий нашрлари доирасида амалга оширилган. Бу борада, айниқса, рус олимлари – А.А.Койчувев, Е.А.Резван; ўзбек олимларидан – А.А. Болибеков, Д.М.Кенжаев; хорижий тадқиқотчилардан – Аҳмад Шаббир, Элеанор Симс, Ҳашир Маҷока томонидан олиб борилган, миллий кадриятларнинг тарихий-педагогик жиҳатлари билан диний ахлоқий кадриятларнинг муштараклиги масаласига бағишланган илмий изланишларини қайд этиш лозим. Бу борада бой ўтиш маънавий меросимиз мавжуд. Бунда умумбашарий кадриятга эга бўлган улуғ бобокалонларимиздан Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аббос ал-Жавҳарий, Ат-Термизий, Ал-Мотрудий, Аз-Замахшарий, Ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, Маҳмуди Аъзам, Нажмиддин Кубро, Саккокий, Суфи Оллаёр Хожа Ахрори Вали, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалардан қолган бой миллий меросимизни комил инсон тарбиясида ибрат-намуна сифатида фойдаланмоқ имконияти бор.

Абдурауф Фитрат (1886-1938). «-Бир вақтлар бу мамлакатимиз маданият куёшининг чиқиш жойи бўлиб, маърифат дарёсининг манбаи сифатида танилган эди. Фаробийлар, Бухорийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон соҳасига олиб чиққан эдилар. Бизнинг мамлакатимиз

минглаб машхур олимларни чор-атрофга етказиб бериб, кўшниларининг шарафини ҳам овоза қилиб, дунёга таратгани» [2].

Бу асарлар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган ва таълим жараёнининг тарихини ўрганишда ва инқилобдан олдинги даврни ўқитишда алоҳида аҳамиятга эга. Бу манбаларда миллий кадриятларнинг психология тарихи фанларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Қатор олимлар миллий кадриятлар мақомининг турли жиҳатлари ҳақида қимматли фикрлар билдирган, мусулмон ва дунёвий мактаблар фаолияти, шунингдек, ушбу таълим муассасаларида турли фанларни ўқитиш жараёни асосида унинг Ўрта Осиёдаги асосларини таҳлил қилган.

Абу Наср Фаробий (873-950). «-Бахтга эришишнинг бирдан-бир йўли барча эзгу ишларни хайрли ниятлар билан бажариш, фазилатли амалларга таяниш ва разолатдан воз кечишдир;

- маърифат – бахт ва камолат сари қўйилган биринчи қадамдир;

- руҳни тарбиялаш ва поклаш изчил давом этсагина, яхши натижаларга эришиш мумкин;

- табиб баданни даволашга киришганидек, раҳбар ҳам аҳоли орасидаги ахлоқий беморларни даволашга киришиши керак» [4].

Илмий тадқиқот ишлари натижаларига кўра, педагогик ғояларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши тарихда узоқ давом этган ва халқлар цивилизациясида ҳаётий аҳамиятга эга бўлган омил сифатида ўрин эгаллаган. Масалан, зардуштийлар энг яхши таълим, бу болаларни ўраб турган табиий воситалар ва инсоний омиллар ёрдамида таълим беришдир, деб ҳисоблаганлар. Зардушт болаларни поклик, нотиклик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ёмон одамлардан қочиш, ёмон хулқ-атворлардан сақланиш ва яхши одамларга таяниш руҳида тарбиялаган [5]. Мавжуд маълумотларга кўра, Ўрта Осиё халқларининг таълим муаммолари, қадим замонлардан буён умумхалқ эътироф этилган миллий анъаналар, маънавий асослар ва хулқ-атвор меъёрлари билан боғлиқ бўлган. Таълим ва тарбиянинг илк ташкилий шакллари қадимги мактаб прототиплари кўринишида, қабила жамоаларининг ҳаётида, яъни палеолит даврида, коммуна тушунчаси билан бир пайтда пайдо бўлган[3]. Демак, ўша даврдаёқ аجدодлар ҳаётидаги таълим жараёнида халқнинг маънавий, ахлоқий ва диний асосларида ифодаланган миллий кадриятлари муҳим рол ўйнаган. Шу нуқтаи назардан, замонавий педагогика фани миллий кадриятлар ва анъаналарнинг маънавий-ахлоқий омилларини таълимда жорий этиш ҳолатини ўрганишга кўпроқ эътибор бериши тақозо этилади. Айниқса, уларнинг бизгача етиб келган ёзма манбалардаги маълумотлари илмий-амалий эҳтиёж сифатида аҳамият касб этмоқда. Таълим-тарбия масалаларидаги миллий кадриятларнинг ўрнини ёритиб берадиган ва китоблар тўплами кўринишида, Ўрта Осиё халқлари учун, биринчи тўлиқ манба —Авестодир. Ушбу китоб, аҳамият ва ўқувчиларга таъсир кучи нуқтаи назардан диққат марказида туради. Китобда номус ва поклик, инсон ва адолат, мурувватлилик ва ҳақгўйлик каби ижобий

фазилатларга зулм ва қабихлик, товламачилик ва порахўрлик, муттаҳамлик ва риёкорлик каби салбий бидъатлар қарама-қарши қилиб қўйилади. —Авестода педагогик ёндашувлар, ҳар бир хайрли ишнинг самарали ҳаётий кучга эришиши учун педагогик омилларнинг шарҳлари берилган. Ушбу манбада, баъзи педагогик қоидалар сингари болалар ва ёшларнинг тарбияси ва таълимини яхшилашга ёрдам берадиган ғоялар мужассамлашган ҳамда таълим-тарбия орқали инсонпарварлик, адолат ва меҳрибонлик каби инсоний фазилатларнинг камол топишига ишонч туйғуси билан қаралган. Кейинги асрлар тарихида ҳам миллий кадриятларнинг таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсирини кўриш мумкин. Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши жараёни таҳлилининг маълумотларига кўра, исломнинг ушбу худудда тарқалишининг биринчи кунлариданоқ таълим масаласи янги маъно ва шаклга эга бўлди. Кўриниб турибдики, миллий кадриятлар асосларига таянган ҳолда йўлга қуйилган ҳам таълим ва ҳам тарбия кўп жиҳатдан ижтимоий ва маънавий барқарорликка замин яратади ва бирин-кетин халқ маънавий меросини сақлаш мақсадида таълим ва тарбия масканлари кўпайиб бораверади. Бироқ, таълим-тарбиянинг мавжудлиги ва илмий устозлар томонидан ташкил этилиши, илмга, маънавиятга, саводга халқнинг бефарқ эмаслигидан далолат беради. Миллий кадриятларнинг Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги ўрнининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, таълим жараёнида ва тарбия босқичларида улар башарият тамаддунининг олтин хазинасидан ўрин олган, буюк мутафаккирларнинг асарларидан, Азизиддин Насафий (XIII аср).бирида «Эй фарзанд, ҳеч бир мукофот талаб қилмай, миннатдорчиликлар кутмай, аксинча ўзингни бурчли деб билиб, яхшилик яратиб, ҳамма вақт, ҳамма учун эзгулик ижод қилганингагина сен Оллоҳи таоланинг хулқи билан безанажаксан!» [6].

Демак, буюк боболармизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёқараши кенгайишида битмас-туганмас хазинадир. Уларни ибрат-намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгида қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади: - мардлик; - ботирлик; - паҳлавонлик; - меҳнатсеварлик; - катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик; - дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу қабилар.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимиз маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат-намуна муҳим роль ўйнар экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупроқ, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида сингдириб боришимиз лозим.

Демак, миллий хусусиятларимизга мос тарбияни олган ва олаётган ёшларимиз мунтазам равишда камол топиб бораверади ҳамда уларнинг дунёқараши ҳам унга мос равишда юксалиб боради.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида ибрат-намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлармиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга шахс ижодий камолоти кетма-кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни берар экан. Бу кетма-кетлик одам-шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти туғилади ва улардан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади. Шу сабабли ҳам талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришни самарали амалга ошириш учун шахс интеллектуал камолотини мазкур ишнинг 1.1.-параграфидида қайд этилганидек кетма-кетликда ифодалаб олдик. Ушбу кетма-кетликдан мунтазам равишда талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Айниқса, «Умумий педагогика» фани ўтилиб унинг назарияси қисмидан кенг фойдаланилса ижобий натижа беради. Педагогика назарияси 4 бобдан иборат бўлиб 1. асосий қисми, 2. тарбия назарияси, 3. таълим назарияси ва 4. бошқарув тизими каби бўлимлардага бу тушунчалар асосида бўлажак бошлангич синфи ўқитувчиларининг илмий дунёқарашини бойитишда ва шахс ижодий камолоти босқичларининг мазмун-моҳиятидан фойдаланишда сезиларли педагогик самараларни беради. Натижада ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари (омиллари, ташкил этувчилари) ва моҳияти талабалар онгидан янада мустаҳкам ўрин олади. Бу борада талабалар илмий дунёқарашининг асосий таркиблари ва фарқларигача таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлди.

АДАБИЁТЛАР

- 1.Абубакр Муҳаммад бинни Жаъфар Наршахий. Таърихи Бухоро. – Душанбе: «Дониш», 1979. – 120 б.
- 2.Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи. –Тошкент: Ислон университети, – 2014. – 216 б.
3. Ёқубов А. Сихат–саломатлик йили: мазмун ва моҳият. – Тошкент: 2005. – 23 б.
- 4.Камолова, Ш. Ў., & Мунарова, Р. Ў. (2010). Уровни совершенство личности. *Исследователь научный журнал.–Қозогистон*, 5(49), 100-105.
- 5.Kamolova, S. (2020). ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АХБОРТЛИ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ. *Sciencweb academic papers collection*.
- 6.Kamolova, S. (2022). ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогики*

и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5114>

7. Shirin Kamolova, [РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

8. Shirin Kamolova, [САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

9. Shirin Kamolova, [ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

10. Shirin Kamolova, [THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании

11. Shirin Kamolova, [ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании

12. Shirin Kamolova, [IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

13. Shirin Kamolova, [АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙИ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

14. Po'latova, N. (2022). [ОТМ ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУН МОЎЯТИ](#). Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5113>

15. Nazira Po'latova, [ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ФАКТОР ДУХОВНОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

16. Nazira Po'latova, [ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ](#), Журнал Педагогики и

психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании

17. Mamaraimova, R. (2022). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН МОЊИЯТИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5112>

18. Ra'no Mamaraimova, КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИЊАТЛАРИ, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании*

19. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ШАХСИ ХАРАКТЕРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5110>

20. Rustam Abdurasulov, ШАХСИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРЊ ЯККАКУРАШИ МАШЊУЛОТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ - ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании*

21. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ФАОЛИЯТИДА МОТИВАЦИЯНИНГ АЊАМИЯТИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5108>

22. Kamolova, S. (2022). ЁШЛАРНИ МАЊНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУЊИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191>

23. Shirin Kamolova, РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education*

24. Shirin Kamolova, САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education*

25. Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ

- ЦЕННОСТЕЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
26. Shirin Kamolova, THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)
27. Shirin Kamolova, ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 2 № 5 (2022): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (январь)
28. Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)
29. Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙИ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)
30. Shirin Kamolova, IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)
31. Kamolova, S. (2022). БЎЛҒУСИ ЎҚИТУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5195>
32. Kamolova, S. (2022). ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5197>
33. Axmedova, N. (2022). КИЧИК МАКТАВ YOSH DAGI O'QUVCHILARDA TA'LIM JAROYONIDA MOTIVATSIYANING O'RNI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5270>
34. Achilovna, A. N., & ugli, K. S. F. (2022). Information Technolugu in the Professional Development of Modem Teachers. *International Journal of*

Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 73–77. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1054>

35.Kamolova, S. U., Shakarbaeva, S. A., Yuldashev, S. A., & Ochilov, C. Q. (2020). The Essence Of The Content Of Enriching The Scientific Outlook Of Future Teachers. *Essence*, 29(8), 3593-3598.

36.Kamolova, Shirin Usarovna, & O‘Skanov, Mirsaid (2022). BOSHLANG‘ICH SINF O‘QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH JIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 676-681.

37.Kamolova, Shirin Usarovna, & Axmedova, Fotima Xurramovna (2022). SOG‘LOM SHAXS HAYOTIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING O‘RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 630-636.

38.Axmedova, N. (2022). BO‘LAJAK TARBIYACHILARDA SOG‘LOM TURMUSH TARZI VA MADANIY GIGIENIK KONIKMALAR KOMPITENTLIGINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании*, 2(7).
извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5767>

39.Kamolova, S. U., Shakarbaeva, S. A., Yuldashev, S. A., & Ochilov, C. Q. (2020). The Essence Of The Content Of Enriching The Scientific Outlook Of Future Teachers. *Essence*, 29(8), 3593-3598.

40.Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).

41.Яхшиева, М. Ш., Камолова, Ш., Эшонкулов, Э. С., Жумартова, У. У., & Уразолиев, Х. А. (2015). Формирование научного мировоззрения студентов. In *Актуальные задачи педагогики* (pp. 184-186).